



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 7 август, № 155 (6338)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!
Сизга мустақиллигимизнинг 239 йиллиги муносабати билан йўллаган самимий табригингиз учун Америка Қўшма Штатлари халқи номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Биз ушбу байрам муносабати билан мустақиллик, эркин ва озод ҳаёт, қадр-қиммат ҳамда бахт-саодатга интилиб яшаш ҳуқуқи принципларига асосланган янги давлат барпо этиш имконини берган олий мақсадлар ҳақида ўйлаймиз. Ушбу қадриятлар мамлакатимиз асоси ва АҚШ халқини бирлаштирадиган муҳим восита бўлиб қолмоқда.

Ўтган йиллар воқеалари мазкур қадриятлар аҳамиятини ва барча учун муҳим бўлган эркин ва озод ҳаётни ҳимоя қилишда ва ушбу ғояни илгари суришда мамлакатларимиз муҳим ўрин тутганини ёдга солади.

Самимий эҳтиром билан,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР

анъанавий кўрик-танловнинг
худудий босқичларида аниқланмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг узвий қисми сифатида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётида тугган ўрни ва нуфузини ошириш, унинг янгилаштириш жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар қўрилмоқда.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Жумладан, сўнгги 3 йилда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови тўғрисида”ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари асосида тизим ходимларининг ойлик иш ҳақлари оширилди, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ҳамда “Mahalla” маърифий телерадиоканали ташкил этилди.

Ана шу сазй-ҳаракатлар самараси ўларок, бугун маҳалланинг ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоялаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни изчил ривожлантиришга кўмаклашиш, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётда кенг қарор топтириш борасидаги ўрни ва аҳамияти янада юксалди. Бунда, шубҳасиз, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ҳар йили ўтказилиб келинаётган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари”

кўрик-танловининг ҳам ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Негаки, ушбу танлов фуқаролар йиғинларининг илгор иш тажрибаларини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Шу кунларда кўрик-танловнинг худудий босқичларида “Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида юксак савияда ўтказилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар босқичида туманларда ғолибликни қўлга киритган 11 фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ходимлари қатнашди.

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, бугун пойтахтимизда 475 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи самарали фаолият юритмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида улар томонидан ҳамкор ташкилотлар кўмаги билан маънавий-маърифий йўналишда 9 минг 200 та, Давлат дастури мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган 2 минг 300 дан ортиқ, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги доирасида 4 минг 300 га яқин, “Ота-оналар университетлари” томонидан эса 2 минг 800 дан зиёд турли тадбирлар ўтказилгани ҳам ана шундан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



2015 йил 6 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг раиси Н. Йўлдошев очди ва бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётганлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил

17 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда «Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деб номланган эзгу гоғни ўзида мутасаммадан ташкилий амалий, маданий-маъри-

фий ва ахборот-тушунириш тадбирлари олиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар энг улуг, энг азиз байрамимиз бўлган Мустақиллик кунини юқори кўтаринлик руҳда ўтказишга қаратилган. Ушбу тадбирларнинг амалга ошириш жамоатчилигининг Ватанимиз мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрнига эришиши, мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб

ўтган машаққатли ва шу билан бирга, шонли йўлинг, кенг қамровли ислохотларнинг, фуқароларимизни янги марраларни забот этишга ундайдиган улугвор муваффақиятларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаб етишда муҳим омили бўлди. Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида сенаторлар таъкидлаганларидек, кўриб чиқилаётган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий

Мажлис Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишлари бағишланган мажлисидаги маърузаларида баён этилган вазифаларнинг рўйбоғи чиқарилишига кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида сенаторлар томонидан кўриб чиқилган алоҳида муҳим масала бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва унинг асосида ишлаб чиқилган мазкур Қонун сўнгги йилларда ушбу соҳада ишлаб чиқилган ўз қўлами ва мазмунига кўра энг муҳим норматив ҳужжатлардан бири ҳисобланади, бу эса хусусий сектор фаолиятини кучайтириш ҳисобида республика иқтисодиётининг шиддат билан ривожланишига кучли туртки бериши шубҳасиздир. Қонун билан давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юритиш тартиби, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан тортиб то уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, жавобгарликни эркинлаштиришга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларида дахл қилаётган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Мажлисда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган тўзатишлар хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти янада эркин ривожланишининг, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг самарали механизмларини яратиш имконини беради. Қонун тадбиркорларнинг фаолиятига тўққинлик қилган ва ноқонуний аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини анча кучайтиради.

(Давоми 2-бетда).

Аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили

Аввал хабар қилинганидек, кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Сенаторлар ялпи мажлисининг биринчи йўналишида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунларни атрофлича кўриб чиқилди ва маъқулландилар. Айниқса, Президентимизнинг шу йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида ишлаб

чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Чунки, сенаторларнинг қайд этишича, мазкур Қонун юртимизда хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришнинг муҳим омили эканининг яққол ифодасидир. Буни уларнинг қуйидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва преференцияларни сўзсиз қўллаш, республика иқтисодиётида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ўрнини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ўзгаришлар киритилаётган. Уларга мувофиқ, тадбиркорнинг моддий аҳоли ва солиққа оид ҳуқуқбузарлик қилиш шариоитини инобатга олиб, суд молиявий санкцияни энг кам қисмидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган энг кам миқдорнинг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўллашга ҳақли экани белгиланапти. Бу нормалар тадбиркорлик субъектлари фаолияти қўламини янада кенгайтириб, уларнинг худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини кучайтиради.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМIZ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мухаммадjon МАКСУДОВ,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси:
— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бозор тамойиллари ва механизмларини кенг жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тад-

биркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2012 — 2014 йилларда Ўзбекистон Республикасининг хусусий мулк мавқеини юксалтириш ҳамда уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш

шариоитларини янада яхшилашга қаратилган ўн бешдан ортиқ қонунлари қабул қилинди. Сенаторлар томонидан кенг муҳокама этилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар ҳам хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш,

Қисқа сатрларда

• Тошкентда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Баркамол авлоднинг тарбиялашда амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари” мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

• Ёшлар ижод саройида жорий йилнинг 11-15 август кунлари Ватанимиз мустақиллигининг йилгирма тўрт йиллигига бағишланган “I love Uzbekistan” ёшлар фестивали ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир матбуот анжумани уюштирилди.

• Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги “Косонсой интенсив боғлари” масъулияти чекланган жамиятида томчилатиб суғориш технологияларини ривожлантириш масалаларига бағишланган вилоят кўргазмали семинари ташкил этилди.

• Пойтахтимиздаги Ботаника боғида “Инсон саломатлигида соғлом муҳитнинг аҳамияти” шиори остида анжуман ва экологик акция ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган бошқарув йиғилиши сайёр тарзда Урганч шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

АЁЛ. ОИЛА. ЖАМИЯТ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш,

ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини кучайтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси

билан 1991 йилда ташкил қилинган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айна мақсадга йўналтирилган давлат дастурлари ва бошқа ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти сарҳисоб қилинди. Хусусан, қуйи тизим фаолиятини замон талабларидан келиб чиқиб янада жонлантириш, давлат ва нодавлат тузилмалар билан ижтимоий

шерикликни такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оналик бандлигини таъминлаш, улар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш каби долзарб вазифалар муҳокама қилиниб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Йиғилиш иштирокчилари Хоразм вилоятининг Хонқа ва Ҳазорасп туманларида бўлиб, аёлларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Тадбир доирасида Ҳазорасп туманида Аёллар ва оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг очилиш маросими ўтказилди.

Қайд этилганидек, жойларда очилаётган бундай марказлар хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларнинг тиббий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оила институтини ривожлантириш мақсадидаги хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, республикамиз молия бозорида ўз мавқеини тобора мустақамлаб бораётган "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти ҳам юртимиз ободлиги ва равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишга йўналтирилган.

Бугунги кунда мазкур молия муассасасининг жойлардаги 44 та филиали, 51 жамғарма кассаси, 45 та махсус кассаси, 155 та турли тўловларни қабул қилувчи, 91 халқаро пул ўтказмалари ва 53 та валюта айирбошлаш шохбосчаси орқали бир

миллиондан ортиқ мижозларга намунали банк хизматлари кўрсатилмоқда. Энг муҳими, бундай имкониятдан баҳраманд бўлаётган юртошларимиз муассаса фаолиятидан мамнун.

Айтиш жоизки, банк капитали жорий йилнинг 1 август ҳолатига қўра, 774 миллиард сўмни ташкил қилди. Умумий активлари миқдори эса 8 триллион сўмдан ошди. Албатта, бундай муваффақиятлар тақдим этилаётган хизмат турлари кўпайиб, сифати ортиб бораётгани, муассаса ходимларининг билим ва тажрибаси, энг асосийси, мижозларга муносабати юксалаётгани билан боғлиқ. Шу боис юз турдан зиёд молиявий

хизматлар кўрсатаётган мазкур банкнинг самарали фаолияти, мана, саккиз йилдирки, жаҳоннинг энг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан муносиб баҳолаб келинаётган. Чунинчи, яқинда дунёдаги икки энг йирик халқаро муассасалар — "Standard & Poor's" ва "Fitch Ratings" агентликлари "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг "Барқарор" рейтинг даражасини саккизинчи бор тасдиқлади. Қолаверса, молия муассасаси эришаётган улкан ютуқлар, унинг намунали хизматларини мижозлар ҳам эътироф этишмоқда. Уларнинг қуйидаги дил сўзлари билан танишиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.



Ўзбекистон банк тизими:

ТЕЗКОР, АНИҚ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

мижозлар ишончини қозонишда алоҳида ўрин тутмоқда

Илгари оддий бир карточкага бутун бир жамғарма жойлаштирилиб, ундан нафақат мамлакатимиз, балки жаҳоннинг исталган нуқтасида фойдалана оласиз, дейилса, кўпчилик ишонмасди. Бугун эса "электрон ҳамён" орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими оддий жараёнга айланди. Бошқача айтганда, эндиликда "пластик карточка", "терминал" ёки "банкомат" деган атамалар кундалик турмушимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Зеро, истиқлол ҳаётимизнинг барча жабҳасига янгилик ва ўзгаришлар олиб кирди. Ҳозир қай бир соҳада бўлмасин, янгилик руҳида, ташаббус кўрсатиб ишлаш, изланиш ва

интилиш, бунёдкорлик ва яратувчанлик жараёнлари кўзга яққол ташланади. Шунга ҳам-оҳанг равишда, юртошларимиз дунёқараши, тафаккури ҳам

Ҳар жиҳатдан афзал

тубдан ўзгариб бораётган. Шу ўринда бир мисол. Авваллари одамлар ўз жамғармаларини фақат омонат дафтарида сақлаш эди. Бугун эса биргина "Ўзсаноатқурилишбанк"да бундай омонатларнинг 30 дан зиёд тури мавжуд. Энг муҳими, сўнгги йилларда молия муассасаси пластик карточкалари ҳар томонлама афзал эканлиги ўз тасдиғини топмоқда. Чунки бу тизим орқича сарф-харажатларни қисқартириш, пул маб-

лағларини сақлаш ва фойдаланишда ниҳоятда қулайдир. Бошқача айтганда, миллионлаб сўм маблағ чўнтагимизнинг бир четида, ихчамгина "электрон

ҳамён"имизда сақланаверади. Қолаверса, "Ўзсаноатқурилишбанк" мижозлари бундан даромад олиш имкониятига ҳам эга бўлишади.

Пластик карточканинг яна бир афзаллиги шундаки, сиз уни йўқотиб қўйган тақдирингизда ҳам, жамғармангиздан ҳеч ким фойдалана олмайди. Банк бундай жаҳоннинг энг нуфузли зумда янгилаб беради. Бинобарин, мижозлар пластик карточка ҳисоб рақамига иш ҳақи

ва унга тенглаштирилган тўловлар кириш қилинган вақтдан эътиборан уларни сарфлашлари мумкин. Банк "электрон ҳамён"ларига ўтказилган маб-

лағларни алоҳида тўлдириб бориш талаб этилмайди. Қолаверса, мазкур молия муассасаси ўз хизмат турларини йилдан йилга кенгайтириб, такомиллаштириб бораётгани биз каби мижозларга қўшимча қулайликлар яратаяпти. Зотан, ушбу банк мижозларга тезкор, аниқ ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида жаҳоннинг энг нуфузли молия муассасалари билан ҳам бемалол рақобатлаша олиш имкониятидан биз жуда мамнунмиз.

Масалан, "Ўзсаноатқурилишбанк" пул ўтказмалари бозорида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро банклар орасида ҳам етакчи ўринлардан бирида туради. Бундан ташқари, у аҳолига янада қулайлик яратиш ва ишончли хизмат кўрсатиш йўлида энг замонавий технологияларни фаолиятига жорий қилмоқда. Жумладан, мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган хизмат турлари тақомиллаштирилиб, "Банк — мижоз", "Интернет-банкнинг", "SMS-банкнинг", "Уй банки", "SMS-тўлов", "Шахсий кабинет" каби қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилаётган. Бундай имкониятлардан биз жуда мамнунмиз.

Фотима ИБРАГИМОВА,
Ўқитувчи,
Тошкент шаҳри

● Жаҳоннинг икки энг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари — "Standard & Poor's" ва "Fitch Ratings" "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини муносиб баҳолаб, саккизинчи бор уни истиқболли, ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этди.

● "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан шу йилнинг биринчи ярмида қарийб 2200 нафар кичик бизнес вакилларига жами 435 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу сармоялар нафақат корхоналарнинг юксалиши, балки халқимиз фаровонлиги ҳамда Ватанимиз ободлиги йўлида беқиёс аҳамият касб этаётган.

● Банк мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга ўнлаб йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда фаол қатнашмоқда.

Сармоя тараққиётга йўл очади

Юртимизнинг тупроғи — олтин, суви — зар, иқлими — бетакрор. Шу боис заманимиз боғроғларидан мўл ҳосил олиш имконияти катта. Қолаверса, давлатимиз томонидан бу соҳани қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилапти. Шундан келиб чиқиб, боғдорчилик билан шуғулланишга аҳд қилдик. Ҳайрат-шижоат билан, билим ва тажрибаларимизга таяниб ишга киришимиз муваффақиятлар омилли бўлди.

Бироқ бизнес-режаруёбида ташаббус ва астойдил меҳнатнинг ўзи етарли эмас экан. Зеро, эзгу ғоянинг амалга ошиши бевосита сармояга бориб тақалади. Мазкур жараёнда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг туманимизда жойлашган "Шаргу" филиалига муурожаат қилиб янгилимадик. Муассаса мутасаддилари лойиҳамизни 430 миллион сўм миқдоридидаги маблағ билан имтиёзли фоизларда молиялаштирди. Кредит ҳисобига 17 минг туп олма кўчати сотиб олиб, 10 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этдик. Ушбу ниҳолларнинг ҳосил бериш муддатига қараб ҳисоб-китоб қилсам, боғ бир неча йилда харажатларни қоплаб, катта даромад келтира бошлайди. Яъни ҳар бир дарахт яқин йилларда ўн-ўн икки килограммдан мева беради. Қисқача айтганда, юртимизда биз, фермерларга яратиб берилаётган имкониятлардан миннатдоримиз. Бу эса қишлоқ мулкдорларининг махсулот етиштириш билан чегараланиб қолмай, уни қайта ишлашни йўлга қўйишларида ҳам қўл келаяпти. Натижада олис ва чекка ҳудудларга саноат тармоқлари жадал кириб бориб, аҳоли бандлигини таъминлаш, энг муҳими, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имкониятлари кенгаймоқда. Ана шу жараёнда ишбилармонларни қўллаб-қувватлаётган молия муассасалари фаолиятидан мамнунмиз. Зеро, хайрли ташаббус тараққиётга элтади, сармоя эса уни ҳаракатга келтирувчи кучдир.

Абдусалом ҚҮРБОНОВ,
Сариосиё туманидаги
«Сариосиё сабзавот»
фермер ҳўжалиги
раҳбари.

● Банкнинг ўз капитали жорий йилнинг 1 август ҳолатига қўра,

774 миллиард

сўмга етказилиб, жами активлари эса 8 триллион сўмдан ошди.

Ҳам маслаҳатчи, ҳам ҳамкор

Бугун хусусий сектор иқтисодийетимиз таянчи, фаровон турмушимиз кафолатига айланди. Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли реал даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ишбилармонларимиз учун янада эркин ва қулай муҳит яратиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Чунинчи, мазкур соҳага доир қонун, фармон ва қарорлар ижросини изчил таъминлашда молия муассасаларининг ҳам хизмати беқиёс. Улардан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банкида хизматлар қўламини кенгайтириш, барқарорлигини ошириш ҳамда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилапти.

Масалан, бизнинг ҳўжалигимиз чорвачиликка ихтисослаштирилган. Ўтган йили фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида хориждан насли қорамоллар сотиб олишга оид бизнес-режа ишлаб чиқдик ва уни яқин ҳамкоримиз — "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қибрай филиалига тақдим этдик. Молия муассасаси мутахассислари лойиҳамизни қисқа муддатда кўриб чиқиб,

750 миллион сўм миқдоридида имтиёзли кредит ажратди. Ушбу маблағ ҳисобига Германия ва Словакиядан қарийб 100 бош зотдор қорамол олиб келдик. Бугун улар фермаимизда парвариланаёпти. Ҳар бир сигирдан кунига ўртача 25-30 литрдан сут соғиб олиниб, туманимиздаги қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, янги лойиҳамиз руёби туфайли даромадимиз сезиларли равишда ортиши баробарида, 12 та қўшимча иш ўрни ҳам яратилди. Албатта, ана шу эришган ютуқларимизда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг салмоқли ҳиссаси бор.

Умуман, банк яқин маслаҳатчимиз, ҳамкоримиз, хайрли ишларда мадакоримиздир. Молия муассасаси жамоаси бизни нафақат имтиёзли кредит бериш орқали қўллаб-қувватлаёпти, балки ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз, молиявий маблағларни бошқариш, лойиҳалар тузиш, маҳсулотлар маркетингини ташкил этишда ҳам яқиндан кўмаклашмоқда.

Абдусамат
СУЛТОНҚУЛОВ,
Қибрай туманидаги
«Азизжон» фермер
ҳўжалиги раҳбари.

● Молия муассасаси айна пайтда
1 000 000 дан

ортиқ юридик ва жисмоний шахслар билан самарали иш олиб бормоқда.



O'ZSANOATQURILISHBANK

«STANDARD & POOR'S»
халқаро рейтинг агентлиги

STANDARD
& POOR'S

2015 йил 3 август куни

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ
барча кредит рейтингларини

«В/В+» даражасида
«БАРҚАРОР»
истиқболи билан
қайта тасдиқлади.

Вақт давомида синалган ишонч!

www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 506 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси